# М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1- ва 2-бетларда).

Шу муносабат билан нима дейиш мумкин? Биз туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни улкан сиёсий вазифа қилиб қўйдик. Мамлакатимизнинг социал-иқтисодий тараққиёт чўққиларига чиқиб олиши шу вазифанинг муваффақиятли бажарилишига боғлиқ. Бу соҳада чекиниш бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига чекинадиган жойнинг ўзи ҳам йўқ. Бу соҳада ҳамма фаол ва собитқадамлик билан ҳаракат қилиши лозим. Ярим йўлда ёки унинг бошланишида тўхтаб қолишимизга йўл қўйиб бўлмайди. Олға томон ҳаракат қилишимиз керак. Ана шундан келиб чиқиб, барча идоралар, партия, совет, хўжалик кадрлари позициясига ва ҳатто айтиш мумкинки меҳнат коллективлари позицияларига баҳо бериш керак.

Мен бу масалани янада кенгроқ қўймоқчиман, чунки иқтисодий ислоҳот ижтимоий система сифатида социализмни ўзгартириш, янгилашнинг, унга янада замонавий ва жўшқин тус беришнинг ажралмас қисмидир. Иқтисодий ислоҳот фан-техника тараққиёти учун, хўжаликни планли юритишнинг имкониятларини одамларнинг шахсий манфаатлари, ташаббуси, омилкорлиги билан боғлаш, ижтимоий мулк, хўжалик юритиш ва бошқариш методларини инсон амалда ўзини ишлаб чиқаришнинг чинакам хўжайини деб ҳис этадиган шаклга солиш учун зарур шарт-шароитларни ва қудратли омилларни яратиши керак.

Илмий таҳлил ва амалий тажриба шунга ишончимизни комил қилдики, корхоналарнинг хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўзини-ўзи бошқариш принципларига ўтказиш йўлида ана шу вазифаларнинг ҳаммасини бир-бири билан узвий боғлиқ ва яхлит ҳолда муваффақиятли ҳал этиш мумкин. Бу — жамият, коллектив ва шахс манфаатларини уйғунлаштириш йўли бўлиб, унда ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши гарантияланади ва айни вақтда ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан меҳнаткашларнинг ўзлари манфаатдор бўлиши таъминланади. Бу — текисчилик, тайёрга айёрликни бартараф этиш йўли бўлиб, биз ана шу иллатлардан жуда катта зарар кўрганмиз. Бу — социал муаммоларни тезроқ ҳал этиш йўли бўлиб, у айрим кишилар ва бутун коллективларга бевосита дахлдордир, интизомни мустаҳкамлаш ва самарадорликни оширишга кўмаклашади. Бу — демократияни чуқурлаштириш, бошқаришда меҳнаткашларнинг иштирок этиши учун одамларнинг иқтисодий жараён ва унинг натижаларидан четда туришини бартараф этиш учун реал иқтисодий негиздир.

Иқтисодий ислоҳотни кенг авж олдириш босқичида социал адолат масаласи янада кескин тус олди. Бу муаммо етарли даражада равшанлаштирилгандек туюлган эди — социализмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган асосий принципига қатъий риоя қилиш йўлидан изчил бораверииш керак. Ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин амалда эса, яширишга ҳожат йўқ, ҳатто ўз тасаввурларимизда ҳам ҳали текисчилик психологиясидан узил-кесил қутилганимизча йўқ.

Кўпгина кишилар ҳозир ҳам фақат ишга чиққанлиги учун маош олаётганлиги ҳамда реал меҳнат ҳиссаси ҳисобга олинмаган ҳолда лавозимни эгаллаб турганлиги сир бўлмаса керак. Энг ажабланарли томони шундаки, бу аҳвол ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Мана энди хўжалик ҳисобига ўтган коллективлардаги одамлар меҳнатнинг пировард натижаларини ошириш ҳисобига иш ҳақини кўпайтиришга эришишлари биланоқ норозиликлар пайдо бўлмоқда, жуда кўп ҳақ олишяпти, деган норозилик овозлари эшитилмоқда. Аммо социализмда масала фақат шу тарзда қўйилади: «кўп» ёки «кам» эмас, балки «ишлаб топилган» ёки «ишлаб топилмаган». Меҳнатнинг миқдори ва сифатига баҳо бериш илмий жиҳатдан асосланган, амалда текширилган мезонларга таяниши лозимлиги эса бошқа гап.

Умуман, ўртоқлар, биз текисчилик ёндашувларини таг-томири билан тугатиш муаммоси билан асосли равишда шуғулланишимиз лозим. Бу ғоят муҳим социал-иқтисодий ва мафкуравий муаммодир. Текисчилик ўз моҳияти жиҳатидан фақат экономикага эмас, шу билан бирга ахлоққа ҳам, одамларнинг бутун фикри-зикри ва ҳаракатларига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. У ҳалол ва ижодий меҳнат обрўсини пасайтиради, интизомни бўшаштиради, малакани оширишга қизиқишни камайтиради, меҳнатда мусобақалашувга, беллашувга зарба уради. Биз текисчилик — марксизм-ленинизмга, илмий-социализмга мутлақо дахлдор бўлмаган, майда буржуа қарашларининг иникосидир, деб очиғини айтишимиз керак. Башарти, биз текисчилик ҳозиргача сақланиб қолган ҳамма жойларда бундай қарашларни узил-кесил суғуриб улоқтириб ташламасак, олға томон ҳаракат қила олмаймиз, қайта қуриш вазифаларини уддалай олмаймиз.

Ҳа, социализм — социал гарантиялар жамияти бўлиб, у инсонни ҳаётий қийинчиликлар ва мусибатларга ташлаб қўймайди. Совет кишиларининг социал муҳофазаси хусусий мулкчилик ва эксплуатация тугатилганлигига, меҳнаткашларнинг ҳокимиятига асосланади. Инсоннинг социал муҳофазаси принциплари қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Кўп йиллик практикамизда исботланган. Мамлакатимизда энг муҳим социал гарантиялар — уй-жойли бўлиш, иш билан таъминланиш, бепул таълим ва медицина хизмати ҳуқуқларининг социал гарантиялари вужудга келтирилган.

Бу соҳадаги барча мавжуд камчиликлар ва етишмовчиликларга қарамай, бу ғалабаларнинг принципиал аҳамияти шак-шубҳасиздир. Бироқ жамиятда социал муҳофаза даражаси миллий бойлик салмоғига, миллий бойлик эса ўз навбатида социализмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» принципи тўғри ва изчил қўлланилишига боғлиқдир. Ана шу принципга мувофиқ, одамнинг фаровонлиги, турмуш шароити унинг қобилияти, истеъдоди ишга солинишига, унинг умумий ишга қўшган ҳиссасига бевосита боғлиқдир. Социализм ҳаётийлигининг негизи ана шундадир. Ҳар бир меҳнаткашнинг айни истеъдодига ва унинг мамлакат ижтимоий бойлигига қўшган конкрет ҳиссасига боғлиқ бўлади. Шу билан бирга биз ҳар қандай юлғичлик муддаолари қаерда намойиш бўлишидан қатъи назар уларнинг пайини қатъиян қирқишимиз керак. Қонунларимиз ҳамда мавжуд нормалар доирасидаги ҳалол ва виждонан қилинадиган меҳнатгина моддий жиҳатдан юксак тақдирланиб, жамоатчилик томонидан эътироф этилиши мумкин.

Ўртоқлар! Экономикани ривожлантириш соҳасидаги режаларимиз жуда катта. Улар сизларга маълум. Аммо бутун кучни ана шу кенг кўламли ишларни авж олдиришга сарфлар эканмиз, халқнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларидан ажралиб қолмаслик керак.

Эслатиб ўтаман, биз қайта қуришнинг ўзини ғоят зарур, ҳаётий муҳим муаммолар тазйиқи билан бошладик. 80-йилларнинг бошларида мамлакатимизда юз берган вазиятга баҳо беришни кўп марта такрорлашимга тўғри келди. Яна баъзи мулоҳазаларни илова қилмоқчиман. Маълумки, бизда иқтисодий ривожланиш суръатлари пасайиб мушкул нуқтага етиб қолган эди. Аммо ана шу суръатларга ҳам, ҳозир маълум бўлишича, кўп жиҳатдан носоғлом негизда, савдо омиллари билан эришилган эди. Мен жаҳон бозорида ўша вақтдаги юқори нархларда нефть билан савдо қилишни, спиртли ичимликлар сотишни асоссиз равишда жадаллаштиришни кўзда тутяпман. Иқтисодий кўрсаткичлар ана шу омиллар таъсиридан тозаланадиган бўлса, аслида тўртта беш йиллик давомида биз миллий даромадимизнинг мутлоқ ўсишига эришмадик, 80-йилларнинг бошларида эса миллий даромад ҳатто камая бошлади. Реал манзара ана шундай, ўртоқлар! Эндигина экономика соғлом негизда ривожлана бошлади.

Ўтмишда содир бўлган вазиятнинг оқибатларини биз ҳамон кучли тарзда сезиб турибмиз. Ҳозир жаҳон бозори коньюктураси ўзгариб, ёқилғи-энергетика ресурслари нархи тушиб кетган пайтда, аҳолининг социал сиҳат-саломатлигини ўйлаб, биз вино-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни камайтиришга мажбур бўлганимизда, мамлакат экономикаси ниҳоятда жиддий молиявий проблемага дуч келди. Сўнгги уч йил мобайнида спиртли ичимликлар сотишни қисқартириш натижасида давлатга 37 миллиард сўмдан кўпроқ пул топширилмади. Бундан ташқари, 1987 йилда 1985 йилдагига нисбатан чет мамлакатлар товарларини сотишдан келадиган тушумлар 9 миллиард сўмлик камайди. Чунки, биз валюта етишмаётганлиги сабабли бундай товарлар харид қилишни чеклаб қўйишга мажбур бўлдик.

Вужудга келган вазият биздан айни вақтда икки йўналишда — туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда ва жорий иқтисодий вазиятни соғломлаштириш, аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришда жуда катта, айтишим мумкинки, фавқулодда куч-ғайрат сарфлашни талаб этди.

Марказий Комитетнинг июнь Пленумида барча проблемалар жумласидан биз, биринчи галдаги проблемаларни — озиқ-овқат, уй-жой ва аҳолини зарур товарлар ва хизматлар билан таъминлаш проблемасини ажратиб олганлигимиз ёдингизда бор. Қарорларимиз мамлакат, республикалар, ўлкалар, областлар миқёсида амалий ишлар билан қай тариқа мустаҳкамланмоқда? Буни партия билиши, халқ билиши керак, ўртоқлар.

Аввало, озиқ-овқат ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили мобайнида доннинг ялпи ҳосили 17 процент кўпайди. Гўшт етиштириш ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик гўшт етиштиришга нисбатан 2,1 миллион тонна ёки 13 процент, сут етиштириш 8,2 миллион тонна ёки 9 процент, тухум етиштириш 7 миллиард дона ёки 9,4 процент кўпайди. Кўриниб турибдики, ўсиш бор. Бу эса озиқ-овқат билан таъминлашни бир мунча яхшилади. Валюта тушумлари камайганлиги сабабли бундай маҳсулотларни чет элдан олиш қисқарганига қарамай, таъминот бир қадар яхшиланди. Лекин озиқ-овқат ресурсларининг аҳволи бизни қаноатлантирмайди, ва биз бу ресурсларни тобора кўпайтириб боришимиз керак. Бу соҳада катта резервлар бор, аммо улардан турлича фойдаланилмоқда.

Бир томондан, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш сезиларли тарзда кўпайган қатор республика ва областлар бор. Масалан, ҳали яқингача ҳам Орел областининг қишлоқ хўжалиги ўз тараққиётида жиддий қолоқликка йўл қўйган эди. Лекин кейинги вақтда бу ерда яхшилик томон ўзгаришлар рўй бермоқда. Область хўжаликларида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг самарали формаларидан фойдаланишга катта эътибор бердилар. Амалда бутун деҳқончиликда пудратнинг коллектив, ижара, оилавий ва якка тартибдаги турли-туман хиллари тўла жорий этилди. Чорвачиликда ҳам ишнинг пудрат принципларига ўтиш ниҳоясига етмоқда. Қишлоқларнинг социал тараққиётига илгаригидан кўпроқ эътибор берилмоқда. Ўтган йили областнинг қолоқ хўжаликларида ўртача 50—100 тадан квартира, мактабларда 40 ўқувчига мўлжалланган янги ўринлар, мактабгача тарбия болалар муассасаларида 43 тадан янги ўрин фойдаланишга топширилди. Бу қишлоқларнинг кадрлар билан таъминланишини яхшилашга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулдорлигининг ошиши учун шарт-шароитлар яратилишига имкон берди. Натижада 1986—1987 йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ўтган беш йилликдаги ўртача йиллик даражага нисбатан 18 процент, меҳнат унумдорлиги эса 27 процент кўпайди. Планга қўшимча тарзда маҳсулот етиштирилганлиги туфайли сўнгги икки йил мобайнида маҳаллий таъминот учун гўшт сотиш 33 процент, сут маҳсулотлари сотиш 17 процент кўпайди. Аҳоли ўтказилаётган қайта қуриш самараларини шундоққина сезиб турибди.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам иш худди шу тахлитда ташкил этилмаган. Арманистонда, Новосибирск, Воронеж, Ярославль, Кировоград, Кострома, Ростов областларида далалар ва фермаларнинг маҳсулдорлиги, хўжаликлар экономикасининг самараси паст бўлиб турибди. Сут чорвачилигидаги қолоқлик туфайли бу ерда ҳатто маҳаллий таъминот учун сут етказиб бериш план-топшириқларини ҳам бажаришмади. Озарбайжон, Грузия, Ўзбекистон, Чечен-Ингушетия, Одесса, Чоржўй областларида ҳам гўшт таъминотида худди ана шундай аҳвол содир бўлди.

Аҳвол ўзгармоғи учун тайёрга-айёрлик кайфиятига, кўпчилик маҳаллий раҳбар кадрларнинг озиқ-овқат таъминоти масалаларини марказга қайта-қайта илтимослар билан мурожаат этиб, ҳал этишга уринишларига қатъий барҳам бериш керак. Бунда энг муҳими нима? Маъмуриятчиликка, колхоз ва совхозларга буйруқ беришга чек қўйиш лозим. Аграр сектор меҳнаткашларининг ташаббускор, омилкор фаолиятига кенг йўл очиб бериш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг барча самарали усулларидан: колхоз ва совхозларнинг ичида коллектив, ижара пудрати, оилавий пудратдан, шунингдек РАПО доирасида янгича ёндашувлардан актив фойдаланиш керак.

Уй-жой қурилиши ва социал соҳа тараққиётининг айрим масалалари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Сизга маълумки, бу соҳадаги вазифаларни жадал ҳал этиш юзасидан тадбирлар қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Ишнинг дастлабки натижалари қуйидагича бўлди: 1987 йилда маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари эвазига салкам 130 миллион квадрат метр уй-жой қурилди, бу планда кўзда тутилганидан қарийб 2,5 миллион квадрат метр кўп бўлиб, 1986 йил якунларига қараганда, 10 миллион квадрат метр ортиқдир. Бу шундан илгариги йиллардагига нисбатан кўпроқдир. Ўтган йилнинг ўзидагина умумтаълим мактабларини фойдаланишга топшириш 18 процент, мактабгача тарбия муассасаларини фойдаланишга топшириш 7 процент, ҳунар-техника билим юртлари 61 процент, поликлиникалар 17 процент, клублар ва маданият уйлари 36 процент кўпайди.

Мен илгари ҳам Қозоғистон ССРда уй-жой қурилишидаги изланишлар ва натижалар ҳақида гапирган эдим. Қозоғистон қурувчилари ўтган йили яхши ишладилар: йиллик планни улар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бажардилар. Натижада навбат кутиб турган ҳар беш оиланинг бири квартира олди. Бундай муваффақиятлар туфайли янги вазифа — 1987 йилнинг бошланишига қадар ҳисобга олинган республика меҳнаткашларини 1991 йилгача уй-жой билан таъминлаш вазифасининг ҳал этилиши аниқ бўлиб қолади.

Эстонияда социал соҳани ривожлантириш юзасидан кўп қиррали иш олиб борилмоқда. Бу ерда белгиланган планлар йил сайин барқарор бажарилмоқда, уй-жой билан таъминлашда бу ерда мамлакатда энг юқори кўрсаткичга эришилди, бунга кўп жиҳатдан аҳоли маблағларини омилкорлик билан жалб этиш ёрдам берди. Яна бир муҳим вазифа — қишлоқдаги ҳар бир хўжаликда мактаб, болалар боғча-яслиси, клуб, ошхона бўлиши, бўлганида ҳам уларни замонавий, пишиқ-пухта қуриш юзасидан планли иш олиб борилмоқда. Эстон қурувчиларининг муваффақиятлари улар ихтиёридаги моддий-техника базасининг устун даражада ривожланишига суянаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим.

Марказий Комитетнинг июнь Пленумида кўпгина республикалар ва областларнинг раҳбарлари уй-жой қурилишидаги қолоқлик учун танқид қилингани ёдингизда бор. Ҳозир ҳам шундай ҳоллар мавжуд. Тожикистонда, Россия Федерациясининг бир қанча регионларида, айниқса, Горький, Новосибирск, Пенза, Рязань, Чита областларида ва Доғистонда уй-жой ва социал қурилиш секин бормоқда.

Хўш, ўзи нима бўляпти? Қолоқликнинг асосий сабаблари нимада? Барча дастлабки шарт-шароит аслида бир хиллигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу саволга жавобни аввало, эски касаллик асоратидан — сўз билан иш ўртасидаги фарқдан қидириш лозим бўлади. Ҳамма жойда ҳам дурустгина программалар ишлаб чиқилмоқда, аммо бу программаларни амалга ошириш ҳамма жойда ҳам зарур ташкилотчилик, хўжалик иши билан мустаҳкамланаётгани йўқ.

Яқинда Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шаҳар ва қишлоқларда якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш юзасидан қарорини кўриб чиқиб маъқуллади. Белгиланган тадбирларга кўра, ўтмишда мавжуд бўлган асоссиз чеклашларга барҳам берилмоқда ва якка тартибда уй-жой қуриш учун қарз бериш ҳамда уларни бунёд этиш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда. Бу бизнинг социал программаларимизни амалга оширишда салмоқли улуш бўлиши керак. Энди гап маҳаллий органларнинг якка тартибда уй-жой қурувчиларга зарур эътибор беришида ва керакли ёрдам кўрсатишида қолган.

Умуман, ўртоқлар, кўриб турибсизки, турли тадбирлар кўрилмоқда, бугун улардан активроқ фойдаланиш, шу асосда уй-жой проблемасини тезроқ ҳал этиш, совет кишиларининг турмуши учун яхши шароит яратиб бериш керак. Келинг, ўртоқлар, баҳо беришда муросасиз бўлайлик: уй-жой ва социал-маданий қурилиш планларини бажармасликни кечириб бўлмайди ва ҳеч нарса билан оқлаб ҳам бўлмайди. Топшириқларни барбод этиш фактлари ҳамма ерда ошкора айтилиши ва муҳим социал программанинг бажарилмаслигида айбдор бўлган кишилар меҳнаткашлар ҳузурида жавоб беришлари керак.

Аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишнинг аҳволи жиддий ташвиш туғдирмоқда. Халқ истеъмоли учун товарлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли муайян натижаларга эришилди. Сўнгги икки йил ичида халқ учун саноат товарлари ишлаб чиқариш 16,5 миллиард сўмлик ёки 9,4 процент, шу жумладан, енгил саноатда 3,3 миллиард сўмлик ёки 4 процент кўпайди. Аммо ҳар қалай истеъмол бозоридаги аҳвол кескин бўлиб турибди, аҳолининг харид қобилияти қондирилмаяпти. Ўтган йили саноат халқ учун буюмларни планда кўзда тутилганига нисбатан 3,6 миллиард сўмлик кам тайёрлади. Иттифоқ министрликларига қарашли корхоналар анча миқдордаги маҳсулотни, айниқса, аҳоли ўртасида харидоргир бўлган замонавий техника даражасидаги буюмларни кам етказиб берди. Халқ истеъмоли товарлари сифатида яхшилик томон сезиларли ўзгаришлар амалда содир бўлмади.

Мамлакат экономикасини бошқаришни тубдан қайта қуриш тармоқ министрликларидан жавобгарликни соқит қилмай, одамларнинг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, аҳолининг пул даромадлари билан харажатлари мувозанатини таъминлаш юзасидан амалий иш марказини айни республикалар, ўлкалар, областларга кўчиради. Аҳолига кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш учун моддий-техника базаси айниқса суст оширилмоқда. Ҳар қандай важларни рўкач қилиб, ана шу ҳаётий муҳим проблемаларни ҳал этишда қатнашишдан ўзини четга олишга уринишларга ўткир баҳо берилиши керак.

Яна бир масала хусусида ўйлаб кўриш лозим бўлади: халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун меҳнат коллективлари ва тармоқларни рағбатлантиришнинг биз қабул қилган иқтисодий механизми ҳар томонлама мукаммалми? Бунинг устига товарлар ва хизматлар сони ҳамда сифати проблемасини фақат маъмуриятчилик методлари билан ҳал этишга уринишлар ҳозиргача тузук самара бергани йўқ. Биз бу ўринда йўл қўйилган камчиликларни тан олишдан чўчиб ўтирмаймиз. Аксинча, бу камчиликлар нечоғлик тез илғаб олиниб тузатилса, шу қадар яхши бўлади, шу қадар тез самара оламиз. Фақат битта талабгина ўзгармас бўлиб қолаверади: проблемаларни тез, пайсалга солмай ҳал қилиш керак.

Нутқнинг шу қисмини эшитаётган баъзи ўртоқлар, хўш, бунинг қайта қуриш мафкуравий жиҳатларига қандай дахли бор, деб савол беришлари мумкин. Назаримда, бу ўринда бевосита алоқа бор: одамларнинг бардамлиги ва онги, уларнинг кайфияти, ишга, партия сиёсатига, қайта қуришга муносабати кўп жиҳатдан ана шу вазифаларнинг қандай ҳал этилишига боғлиқдир.

Ўртоқлар! Иқтисодий ислоҳотимиз, демократиялаш ва ошкоралик жараёнларининг ривожланиши, маънавий-ахлоқий муҳитнинг янгиланиши, хуллас, биз революцион қайта қуриш тушунчаси билан боғлиқ қилиб қўяётган ҳамма нарсалар бир буюк ишнинг турли жиҳатларидир. Улар бирбири билан ўзаро мустаҳкам алоқада ва бир-бири билан боғлиқдир, уларнинг бирортасида қайта қуриш бошланар экан, бошқасида уни давом эттириш керак.

Шу сабабли эндиликда биз сиёсий системамизни қайта қуриш зарурлигига яқинлашганлигимиз мутлақо табиийдир, айтишим мумкинки мантиқийдир. Ўз-ўзидан равшанки, гап амалдаги системани алмаштириш тўғрисида эмас, балки унга сифат жиҳатидан янги структура ва элементларни киритиш, унга жамиятимизнинг муваффақиятли ривожланишини таъминлай оладиган янги мазмун ва жўшқинлик бахш этиш тўғрисида бормоқда. Бу масалалар ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимизда кенг ва фаол муҳокама қилинмоқда. Шундай бўлиши тасодифий эмас, чунки қайта қуриш чуқурлашиб бормоқда. У ҳамма соҳаларни ва албатта, жамиятнинг сиёсий системаси каби энг муҳим соҳани ҳам қамраб олиши лозим.

Илгари айтганимдек, XIX партия конференциясига қадар мана шу масалалар хусусида пухта иш олиб боришимиз керак. Сиёсий системамизни ривожлантиришнинг асосий муаммоси — ҳокимият ва бошқарувнинг чинакам таъсирчан демократик контрол пухта йўлга қўйилган, энг муҳим сиёсий, давлат масалаларини ҳал этишда тасодифийлик элементларини ғоят камайтирадиган, яхшиси уларни бутунлай йўққа чиқарадиган тегишли ҳуқуқий тадбирлар ишлаб чиқилган, сиёсий системамизнинг барча «қаватларида» субъективизм имкониятларини истисно этадиган механизмини яратишдан иборат. Принципиал аҳамиятга эга бўлган қарорлар халқнинг фаол иштироки билан ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига эришиш лозим. Бу эса социалистик демократиямизга мос келади.

Аввало, гап жамиятимиз сиёсий системасининг, унинг давлат ифодасининг ўзаги бўлмиш Советларнинг ролини тубдан ошириш тўғрисида бориши лозим. Социализмнинг демократик принциплари айни шу ерда, Советларни тузишда ва улар ўз вазифаларини бажаришда амалга оширилиши керак. Биз ҳозир маълум маънода Советларнинг Ленин тушунган тарздаги ҳокимиятини қайта тиклаш зарурлиги ҳақида гапирмоқдамиз. Ҳамма даражадаги Советларни давлат ҳокимияти ва бошқаришнинг реал иш олиб борувчи, ташаббускор, тўла ҳуқуқли марказларига айлантириш лозим. Назаримда, бу Советлар қандай тузилиши зарурлигини яхшироқ ўйлаб кўришни тақозо этади. Бинобарин, ҳокимият органларини тузиш жараёни халқнинг фаол иштирокини ҳамда қайта қуриш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда Советлар фаолиятини таъминлашга қодир бўлган кишиларни пухта танлаб олишни таъминлаши учун сайлов системамизни такомиллаштириш зарур. Советларда мамлакатимиздаги барча хилма-хилликни, жумладан, миллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш керак. СССР Олий Советининг фаолияти масалаларини ҳам четлаб ўтмаслигимиз керак, албатта. СССР Олий Советининг ролини Президиумдан тортиб сессиялар ва комиссиялар ҳамда депутатлар фаолиятигача иш самарадорлигини ошириш жиҳатидан қайта идрок этиш зарур бўлади.

Сиёсий системани ислоҳ қилишнинг туб масаласи партия ва давлат органлари вазифаларини чегаралаб қўйишга ҳам таалуқлидир. Бунда ҳам Ленин ғояларини асос қилиб олиш керак. Партиянинг раҳномолик ва раҳбарлик роли социалистик жамият яшовчанлиги ва ривожланишининг сўзсиз шартидир. Партия сиёсий йўлни назарий жиҳатдан ишлаб чиқади ва тузатиш киритади. У ўзи ишлаб чиққан сиёсатни оммага етказади, оммани ўртага қўйилган вазифаларни амалга оширишга уюштиради ва жипслаштиради, тегишли кадрлар сиёсатини ўтказади. Аслини олганда, жамиятнинг сиёсий авангарди бўлган партиянинг асосий вазифалари ана шулардан иборат. Социализм шароитида партия, унинг фаолияти тўғрисидаги Ленин таълимоти ҳозир қайта қуриш, демократиялаш шароитида тўла ҳажмда қайта тикланиши лозим. Биз Бутуниттифоқ партия конференциясига шу масалалар юзасидан пухта ўйланган, коллектив бўлиб ишлаб чиқилган таклифлар билан боришимиз лозим.

Вужудга келтириладиган сиёсий системани жамоат ташкилотларининг ривожланган системасисиз, уларнинг иши мазмуни ва методларини тубдан ўзгартирмай тасаввур қилиш мумкин эмас. Сиёсий система ҳар бир жамоат ташкилоти замирида ўзига хос хусусиятлари ва манфаатлари билан муайян социал табақалар турганлигини англаб етишга асосланиши лозим. Вазифа уларни бобарлаштириш эмас, балки, аксинча, уларни мумкин қадар тўлароқ аниқлаш, ҳисобга олиш ва ижтимоий тараққиётга хизмат қилдиришдан иборат. Жамоат ташкилотларининг асосий вазифаси — социал-сиёсий фаолликни ривожлантиришдан, хилма-хил манфаатларни қондиришдан, ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш кўникмаларини гражданларга сингдиришдан иборат.

Менимча, марказий органларнинг ваколатлари бир қисмини қуйи органларга топшириш асосида жамоат ташкилотларида маош олиб ишлайдиган ходимларнинг зўравонлигини, ҳамма нарсани олдиндан белгилашни ва бюрократизмни бартараф этишни вазифа қилиб ўртага қўйиш керак. Қуйи ташкилотларни ўзининг ҳар бир қадамини юқори аппарат билан келишиб олиш зарруратидан халос этиш лозим.

Ижтимоий структуралар системасини ривожлантиришда турли социал, касб ва бошқа қизиқишларига қараб одамларни бирлаштирувчи бир қанча жамоат ташкилотларини тузиш эҳтиёжи сезилмоқда. Чоғимда давлат органлари фақат жамоат ташкилотларининг иштироки билан ҳал этадиган масалалар доирасини кенгайтириш ўринли бўлур эди.

Социалистик демократизм — табиийки, социалистик принципларимиз ва қадриятларимизга асосланган социал, сиёсий турмуш формаларининг хилма-хиллигидир. Бизнингча, партия конференцияси ишлаб чиқадиган қарорларга мана шу ғоя асос қилиб олиниши керак.

Бу миллий муносабатлар, миллий-давлат қурилиши масалаларига ҳам таалуқлидир. Биз ҳозир мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатлар миллий онги ўсганлиги ҳақида, миллий ҳис-туйғулар кўринишлари тўғрисида (бундай ҳис-туйғулар баъзан бузилган шаклда намоён бўлмоқда) гапирмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси муҳим масалалар бўлиб, уларни ҳал этиш керак. Республикалар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш шакллари, уларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, шу жумладан, марказий давлат органларида уларнинг ваколатлари тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

Кўриб турибсизки, кўп муаммолар тўпланиб қолган. Бу соҳада ярим-ёрти чоралар билан чекланиб бўлмайди. Чамаси, олдимизда партия XXVII съездининг, Марказий Комитет Пленумларининг халқнинг социалистик ўзини-ўзи бошқариш ғояларига асосланган, жамиятимизда юз бераётган демократиялаш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда сиёсий системани такомиллаштириш юзасидан бўлажак партия конференциясига кенгайтирилган таклифлар тайёрлаш вазифаси турибди.

Энди, ўртоқлар, қайта қуриш идеологиясининг баъзи халқаро жиҳатлари тўғрисида.

Биз ўтмиш тажрибаси ва сабоқларини бошимиздан кечириб, ақл-идрок ва қалбимиз билан ҳис этиб, ўз олдимизга ўзимиз яшаётган жамиятни тушуниб етиш, ўрганиш, англаб олиш вазифасини қўйдик. Халқаро жиҳатдан ҳам биз масалани ана шу тарзда: мамлакатимиз яшаётган атрофдаги дунёни тушуниб етиш, англаб олиш, ўрганиш вазифасини қўйдик. Холисона таҳлил қилиш натижасида биз қайта қуриш ва янги сиёсий тафаккур зарур, деган фикрга келдик. Бу билан ҳозирги замон реалликларини илмий жиҳатдан англашда олдинга ёриб ўтдик ва бу новаторларча жўшқин сиёсатга айланди.

Партия съездидан анча олдин, 1986 йил 15 январдаги Баёнотда биз инсоният омон қолишининг сўзсиз шарти сифатида ядро қуролсиз дунё томон ҳаракат қилиш программасини эълон қилдик. КПСС XXVII съезди асрлар оралиғида тинчтотув яшаш фалсафасини кенг талқин қилиб, тинчлик ҳамда халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли концепциясини асослаб берди. Бизнинг қуролсизланиш соҳасидаги ташаббусларимиз ва халқаро майдондаги бошқа конкрет қадамларимиз эндиликда бадиҳа эмас, илгари кўпинча бўлгани каби Ғарбнинг у ёки, бу сиёсий юришлари ва ҳаракатларига шунчаки жавоб эмас. Улар мустаҳкам, узоқ муддатли илмий базага эга бўлди.

Шу тариқа Женевага, сўнгра Рейкьявикка ва ниҳоят ядро қуролини қисқартириш тўғрисида Қўшма Штатлар билан олий даражада дастлабки битимни — ўртача ва камроқ олислик ракеталарига оид Шартномани имзолаш учун Вашингтонга йўл очилди. Бу битимнинг аҳамиятига баҳо берар эканмиз, 1985 йил апрель Пленумида бошланган, XXVII съезд назарий ва сиёсий жиҳатдан асослаб берган сиёсатнинг тўғрилигини амалда тасдиқлади, деган фикрга ҳаммамиз қўшиламиз, деб ўйлайман. Биз бундай демоқдамиз: Вашингтонда имзоланган Шартнома — реал қуролсизланишнинг бошланишидир. Биз шундай бўлишини истаймиз. Бу қуролсизланиш давом этиши учун курашаверамиз.

Аммо бу якун ҳамдир. Социалистик мамлакатлар, бошқа тараққийпарвар ва тинчликсевар давлатлар, оммавий жамоат ҳаракатлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати ядро уруши хавфига қарши кураш йўлида сарфланган куч-ғайратларининг якунидир. Атоқли фан, маданият, черков арбоблари активлигининг, уларнинг бирлашуви ва ҳамжиҳатлигининг натижасидир. Бу кўпгина сиёсатчилар, савдо-саноат доиралари, ҳарбий доиралар намояндалари оқилона ва фаол позициясининг натижасидир.

Шартнома тинчлик имкониятлари эришган даражанинг ўзига хос кўрсаткичидир. Бу Шартнома янги тафаккур кишиларнинг ақлидрокигагина сингиб қолмай, у жаҳон сиёсатига таъсир қила бошлаганининг далили ҳамдир. Ишлаб чиқилган Шартнома тўпланган тажриба жиҳатидан ҳам ибратлидир. Ўзаро манфаатлар ва ташвишланишлар икир-чикиригача ҳисобга олинадиган тенг ҳуқуқли, боринг-ки, қийин, оғир ўтадиган музокаралар самарадорлиги исботланди.

Бироқ Шартноманинг имзоланиши хотиржамлик ва бегамликка берилишга баҳона бўла олмайди. Бу Шартноманинг имзоланиши, айтиш мумкинки, қуролсизланиш ва тинчлик учун курашнинг, шу жумладан, мафкуравий курашнинг навбатдаги босқичини бошлаб берди. Шартнома имзолангандан кейин дастлабки хурсандчилик кунларидан кўп вақт ўтмаёқ СССР билан муносабатларни нормаллаштириш рақиблари ўз кучларини Шартнома ратификация қилинишига қарши курашга сафарбар этиб, тўплай бошладилар. Америка маъмурияти сўзининг устидан чиқмоқда. Шартномани ҳимоя қилмоқда. Аммо айни пайтда Советларга қарши, коммунизмга қарши сафсатабозликда ўта ўнг кучларни қувватламоқда. Фақат оғизда эмас, балки «кучайиб бораётган Совет хавфи» деган баҳона билан милитаристик услубдаги муайян ҳаракатлари билан қўллаб-қувватламоқда. Сарҳадларимизда яна иғвогарлик қила бошладилар. АҚШга визит чоғида вужудга келган муҳит баъзи бировларга мутлақо ёқмаяпти.

НАТОнинг Европа қисмидаги милитаристик фаолияти активлиги сезиларли даражада кучайди. Шартномага мувофиқ йўқ қилиб ташланиши лозим бўлган ракеталарнинг «ўрнини тўлдириш»ни уюштиришга шошилмоқдалар. Ядро қуролларининг «бошқа» турларини, айниқса, денгизда ва осмондаги объектларда жойлаштириладиган турларини модернизациялаш ва кўпайтиришни режалаштириб, сурбетлик билан Шартнома бу қуролларни ўз ичига олмайди, деб баҳона қилмоқдалар. Биз ҳатто узоқ келажакда ҳам ядро қуролидан воз кечиш хусусида Лондон, Париждан, НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳидан «йўқ» деб айтилган қатъий жавобларни яна эшитдик. Шартнома ҳамда стратегик қуролларни қисқартиришга оид СССР ва АҚШ музокаралари шанига маъқуллаш сўзлари билан бир қаторда Франция билан Англия ядро қуролини кўпайтиришни ҳеч қачон тўхтатмайди, деган баёнотлар берилмоқда. Мутлақо аксинча. Шартнома имзолангандан кейин НАТО давлатлари икки томонлама ва кўп томонлама ҳарбий интеграция соҳасида кучайиб бораётган активликни намойиш қилмоқдалар. Юқори лавозимдаги арбобларнинг биздаги қайта қуриш хусусида айтаётган ижобий фикрларига «ким билан иш тутаётганингни» унутмаслигинг керак, ҳозирги совет раҳбарияти ўз системасини ўзгартирмоқчи эмас экан, бинобарин, унинг «табассум дипломатияси» шубҳалидир, деган огоҳлантириш билан биргаликда «коммунизмнинг ёйилиши ҳақида»ги сафсаталар қўшилиб кетмоқда. СССР умуман «ишончга лойиқ эмас», бинобарин СССР билан ҳар қандай музокара олиб бориш беҳуда, деб жар солмоқдалар. Советларга қарши ўта реакцион кучлар бирлашмоқда. Ҳар хил «аналитиклар» ва кремлшунослар ҳукуматларга уларни чўчитадиган тавсияномалар тузмоқдалар, жамоатчиликнинг миясини қотириб, башарти қуролсизланиш жараёни давом этадиган бўлса, бунинг оқибатлари Ғарб учун «фалокатли бўлади» деб қўрқитмоқдалар.

Қайта қуриш ва қуролсизланиш масалалари юзасидан идеология курашини бизнинг территориямизга, бизнинг орамизга ўтказишга уринишлар кучайди. «Радио овозлари» совет жамиятида, «Совет раҳбариятида кураш кескинлашмоқда, қайта қуриш ва КПССнинг ташқи сиёсий йўлида «оппозиция» вужудга келди ва кучайиб бормоқда» деган иғвогарлик уйдирмаларини тарқатмоқда. Партия ўртага қўйган мақсадларга эришиш мумкинлигига гумонсираш ва ишончсизликни туғдирмоқчи бўляптилар. Социализмга қарши иғвогарлик марказлари фақат Совет Иттифоқига нисбатангина шундай иғвогарликлар билан шуғулланмаётганликларини яхши кўриб турибмиз. Улар социализмни янада такомиллаштириш жўшқин жараёни давом этаётган бошқа социалистик мамлакатларга ҳам қарши қўпорувчилик ишининг янги усулларини шошилинч равишда ишлаб чиқмоқдалар. Улар миллий ўзига хосликни эътиборга олиб, иш кўрмоқ учун мамлакатларнинг ҳар бирига нисбатан ўзига хос усулларни изламоқдалар.

Улар нега ташвишга тушиб қолганликларини биламиз. Қуролсизланиш ҳарбий саноат комплексининг фойдаларига ва шу комплекс теварагида яхшигина кун кўраётганларнинг даромадларига хавф солаётгани учунгина эмас, шу билан бирга социалистик ғояларнинг жозиба кучи қайта тикланишидан, меҳнаткашлар жамияти бўлмиш социализмнинг обрўэътибори ўсишидан қўрққанликлари сабабли ташвишга тушиб қолдилар. Мамлакатимизга хайрихоҳлик яна кучая бошлаши, Совет Иттифоқи янгидан «кашф этилиши» уларни чўчитмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси «душман образи»ни, демакки, Советларга қарши ва империалистик сиёсатнинг мафкуравий негизларини ҳам кўпоради. Кейинги ўн йиллар мобайнида реакционерларга узлуксиз хизмат қилиб келган нарсалар барбод бўлмоқда. Шу боисдан ҳам СССРнинг ташаббускор, тинчликсевар сиёсати «ўнглар»га ёқмаяпти. Шунинг учун ҳам улар тобора жадаллашиб бораётган қуролсизланиш поездини тўхтатмоқчи бўляптилар. Биз ўзимизнинг мафкуравий ишимизда ва пропагандамизда мана шуларнинг ҳаммасини назарда тутишимиз ва тегишли чора-тадбирлар кўришимиз керак.

Ўртоқлар! Марказий Комитетнинг аввалги Пленумидан кейин ўтган даврда ўртача ва камроқ олислик ракеталари хусусидаги Шартнома билан бир қаторда Афғонистон муаммосини ҳал этиш соҳасида қўйилган қадамлар халқаро тусдаги бошқа бир салмоқли воқеа бўлди. Бу муаммо кўпдан бери совет кишиларининг ҳис-туйғуларига, бутун жамиятимизга чуқур ва бевосита дахлдор бўлиб келмоқда.

(Давоми 4-бетда).

